Мавзу: САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Р Е Ж А:

1.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мўлжалланган ерлар туғрисида тушунча ва уларнинг классифиацияси.

2.Саноат ва транспорт,алока,мудофаа ва бошка мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий холатининг умумий хусусиятлари.

3.Саноат ерларининг ҳуқуқий холати.

4.Транспорт ерларининг ҳуқуқий холати.

5.Алоқа ва мудофа мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий холати.

Саноат ерлари саноат корхоналарининг эгалигида бўлиб, тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари томонидан бошқарилади. Саноат корхоналари шу тоифа ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг бирламчи субъектлари бўлиб хисобланадилар. Саноат корхоналарининг ўз вазифаларини амалга ошириш учун берилган ерлари саноат ерлари объектини ташқил этади. Саноат ерлари қоидага кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлардан берилади. Агар бунинг имконияти бўлмаса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сифати ёмон ерлардан ажратиб берилади. Саноат корхоналарини жойлаштириш хамда фаолиятини юритиш учун хизмат қиладиган ер майдонларининг миқдори ер қонунчилигида белгиланмаган. Унинг миқдори саноат корхонасини қуриш лойиҳасида тасдиқланган режага биноан аниқланади.

Саноат корхоналарига берилган ер участкалари саноат иншоотларини жойлаштириш ишлаб чиқаришни ташқил этиш талаблари асосида фойдаланилади. Бундай ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Саноат корхоналари саноат мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланишда ер қонунчилиги нормаларига қатъий риоя этишлари шарт бўлади.Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 70-моддасида кўрсатилишича, саноат корхоналари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шахар хокимларининг қарорига биноан юридик ва жисмоний шахсларга вактинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида кўрсатилишича, транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, хаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташқилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш сохасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Транспорт ерларининг асосий қисмини транспортнинг нормал фаолиятини таъминлаш зарурияти учун ажратилган ер участкалари ташқил этади. Бундан ташқари, транспорт ерларнинг таркибига транспорт ерларининг ўзи, юк ташиш, пассажирлар ташиш ва бошқа хизмат учун ажратилган ерлар киради. Транспорт учун ажратилган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, транспорт воситалари ва эксплуатация қилувчи алоқа йўлларига эга бўлган тегишли ташқилотлар хисобланади. Темир йўл транспортида бундай ташқилотлар темир йўл бўлимлари: хаво транспортида - аэропортлар; денгиз транспортида - денгиз портлари, кемалар ясовчи ва ремонт қилувчи заводлар; трубопровод транспортида - магистраль трубопроводлардан фойдаланиш бошқармалари; ички сув транспортида - дарё портлари; автомобиль транспортида - йўл эксплуатация участкалари хисобланади.

Темир йўл транспортида темир йўл излари ўрнатилган ерлардан бошқа унинг томонларида мухофаза қилувчи пояслар хам қолдирилади. Темир йўл полосларига қуйидагилар киради: йўл бинолари, алоқа қурилмалари станциялари (бутун қурилмалари билан), ҳимояланиш нихоллари.

Автомобиль транспорти ерларига тегишли органларга берилган ва уларнинг назоратига топширилган полослар ва шу ерларга қўшиладиган участкалар, автомобиль транспорти хизматига алохида ахамият га эга бўлган ерлар киради. Автомобиль транспорти ерларига тегишли органларига берилган ва уларнинг назоратига топширилган полослар ва шу ерларга қўшилган участкалар, автомобил транспорти хизматига алохида ахамиятга эга бўлган ерлар киради. Автомобиль йўлларининг кенглиги йўл категориясига қараб белгиланади. Ўзбекистонда ўрнатилган қоидага биноан автомобиль йўлларининг категориясига қараб қуйидагича максимал йўл кенглиги белгиланган: I - категория - 39 метр; II - категория - 28 метр; III - категория - 22 метр; IV - категория - 19 метр; V - категория - 18 метр.

Трубопровод ерларига шу соха билан шуғулланувчи вазирлик назоратига берилган магистрал трубопроводлар (нефть магистраллари, трубопровод магистраллари) ва шу сохага алоқадор бўлган ер участкалари киради. Магистраль трубопровод трассалари қуриш ва эксплуатация қилиш учун белгиланган кенгликка ер участкалари ва полослар берилади. Унинг кенглик хажми трасса характерига қараб ёки қурилиш ёки эксплуатация қилиш даврига қараб белгиланади. Магистрал трубопровод трассалари учун қўшимча ер участкалари уларнинг доимий мухофазасини таъминлаш учун берилади.

Ер қонунчилиги нормаларига биноан денгиз транспорти ерларини денгиз транспорти хизмати эхтиежлари учун шу сохани идора этувчи орган ихтиёрига берилган ҳудудлар: денгиз портлари, маяклар ва бошқа махсус қурилмалар ташқил этади. Дарё транспорти ерларига дарё транспорти сохасини идора этувчи органлар томонидан бошқариладиган дарё транспорти эхтиежларига хизмат қиладиган дарё портлари, пристанлар ва бошқа қурилмалар киради.

Хаво транспорти ерларига хаво йўллари органлари назоратига берилган, хаво транспорти эхтиежлари учун хизмат қиладиган махсус қурилмалар билан банд бўлган ер участкалари, аэропорт ва аэродром ҳудудлари киради. Хаво кодексида кўрсатилилишича махсус қурилган, яъни самолёт учиши ва кўниши, тўхтаб туриши ва хаво кемалари хизмати учун ажратилган ер участкалари аэродром хисобланади. Аэропорт ҳудудига эса аввало аэродром, шунингдек вокзал, хар хил бинолар қуриш учун зарур бўлган ер участкалари киради. Бундан ташқари, аэромаяклар, вишкалар ва махсус бошқа қурилмалар билан банд бўлган ерлар хам аэропорт ва аэродром ҳудудига жойлаштирилиб, улар хам транспорт ерлари хисобланади.